Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига

# ҲУҚУҚ ВА АДОЛАТ АСОСИ



**Ўзини билган ва ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлган қомусли элгина номусли-ориятли бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз ўтмиш мероси ва қадриятларининг ёрқин ифодаси сифатида майдонга келди. Асосий Қонунимиз мустақиллик биз учун берган ҳур фикр, юксак тафаккур маҳсулидир. Унинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у умуминсоний қадриятларимиз қаторида халқимизнинг меҳр-оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё, одамийлик, мурувват ва саховат каби бебаҳо миллий қадриятларини ҳам ўз мазмун-моҳиятига сингдирган.**

Қомусимиздаги ҳар бир сатрлар юртдошларимизга меҳрибонлик, мустақил Ватанимизни мустаҳкамлаш йўлидаги хайрли ишларга ғамхўрлик қилиш руҳида йўғрилган. Унда жамият аъзоларининг тенглиги, турли миллат фуқароларининг орзу-мақсадлари улуғланади. Асосий Қонунимизда **"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар" (V боб, 18-модда)**, — деб ёзиб қўйилган.

Ҳақиқатан ҳам Бош Қомусимизнинг мазмун ва моҳияти республикамизда яшаётган барча халқларга муносиб ҳаёт шароитини яратиш, уларни бахтли қилишдан иборатдир.

**"Аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз — бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз, буюк Ҳаёт қомусимиз турибди",** — деган эди юртбошимиз Ислом Каримов. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон тараққиётининг ҳам ички, ҳам ташқи ҳаётида муҳим ўрин тутган ушбу ҳужжат келажак йўлларимизни нурли маёқ сингари ёритиб, бизни янги истиқболлар сари бошлаб бормоқда. У халқ руҳий ҳолатини, ижтимоий онгини ва миллий маданиятини тўла акс эттиргани билан ҳам қадрлидир. Унда асрлар мобайнида ушалмас армонга айланиб келган анъана ва қадриятларимиз ўз бўй-бастини қайта тиклаб, халқаро ҳуқуқларимиз қонун йўли билан ҳимояланади, эртанги кун тинчлиги ва эл омонлиги юксак қадрланади.

Асосий Қонуннинг 4-моддаси **"Республика ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари, анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади"**, — деб кафолат беради. Бунинг исботини бугунги кунда биз билан ёнма-ён яшаётган турли халқ вакилларининг бахтиёр турмуш тарзидан ҳам осонгина билиб оламиз.

Дунёда энг яхши ва хайрли ишлардан бири илм олишликдир. Ҳеч бир замонда илму маърифатга ёмон кўз билан қаралмаган. Илм — барча эзгу ниятларнинг калити экан, инсон фақат илм билан камолотга эришади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Конституциянинг 41-моддасида: **"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади"**, — дея муҳрлаб қўйилиши бежиз эмас. Бундай кафолат бизнинг қадимий қадриятларимизни қайта жонлантиради ва ёш авлодни комиллик пиллапоялари сари етаклайди.

Инсон ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоялаш — Қомусимизнинг 44-моддасида ўз аксини топган. Давлат ўз фуқаросини белгиланган нормаларда ҳимоя қилиши ва унинг эркинликлари учун ҳар томонлама шарт-шароит яратмоғи керак. Модданинг **"Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади"**, — дейилишида олам-олам маъно бор. Бунда демократик ва фуқаролик жамиятида ҳар қандай ноҳақсизликлардан муҳофазаланган эркин шахс, ҳар қандай адолатсизликка юз тутган мансаб эгаси, ёки корхоналар тўғрисида тегишли ҳуқуқ идораларига мурожаат қилишга ҳақли эканлиги кўрсатиб қўйилган. Демак, фуқаролар соғлом турмуш тарзини шакллантиришлари учун ўзлари яшаётган ҳуқуқий давлатда адолат нормаларини вужудга келтиришлари ва айни пайтда унинг тантанаси йўлида курашишлари ҳам лозим бўлади.

Маълумки, миллий анъаналаримизга биноан инсонлардаги ватанпарварлик ҳисси, мардлик ва ҳалоллик, тўғрилик ва поклик каби фазилатлар, энг аввало, оила қучоғида шаклланади. Конституциянинг 63-моддасида **"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга"**, — деб кўрсатиб ўтилади. Бу даъват оилага жиддий эътибор беришни тақозо этади.

Энг халқчил ва инсонпарварлик негизларига мос келадиган моддалардан бири — 66-моддадир. Ундаги миллий қадрият ва анъаналарнинг улуғланиши ҳамда ота-она ва фарзанд муносабатига аҳамият берилиши ҳеч бир Конституцияда йўқдир. Худди ана шу талқинларнинг ўзи ҳам Асосий Қомусимизнинг ўзига хослигини, маънавий бой мазмунга эга эканлигини асослаб турибди.

**"Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар"** (мазкур модда), — деб қатъий равишда белгилаб қўйилиши ёшлар зиммасига катта масъулият юклайди. Халқимизда "бола бошидан" деган ибора шунчаки айтилмаган. Кимки боласига ёшлигидан тўғри тарбия берса, ўзи ҳам бир умр меҳрга зор бўлмайди. Негаки, оилада фарзанд ота-она муносабатларига қараб улғайиб боради. Шундай экан, болаларимиз юрагида меҳр ва муҳаббат туйғуларини қарор топтириш — биз, катталарнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон ер юзидаги энг қадим, шу билан бирга, энг узоқ ўтмишга эга бўлган юртлар қаторига киради. Мана шу жиҳатнинг ўзи ҳам миллий қадриятларимизнинг қадим замонларга бориб тақалишини кўрсатиб турибди. Асосий Қонунимиз бизнинг узоқ ўтмишимизга таяниб, ўша улуғ қадриятларимизни юзага чиқариш учун ўз саҳифаларидан кенг ўрин ажратган.

Истиқлол бизга эркинлик, ҳурлик ва озодлик шабадаларини инъом этиш билан бирга энг муқаддас қадриятларимизни ҳам қайтариб берди. Оллоҳга шукрки, халқимиз юрагида асраб-авайлаб келаётган, аммо унутилишга маҳкум этилган эзгу қадриятлар қайта тикланди. Ҳатто айрим қадриятларимиз давлатимиз томонидан умумхалқ байрами сифатида нишонланиб, дам олиш куни деб эълон қилинди ("Наврўз", Ийд Рамазон ва Ийд Қурбон ҳайити кунлари).

Одамларнинг бир-бирларига мурувват кўрсатиши, меҳр-оқибатли бўлиши ўзбек халқининг унутилмас қадриятларидан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ушбу қадриятлар янада теранроқ бўй кўрсатди. Мурувват кўрсатиш — эзгу қадрият, эҳсон қилиш эса — савоб иш эканини унутмаслик керак. Зеро, Конституциямизда ҳам булар ўз ифодасини топган.

Демак, Конституция бизнинг қонуний эркинлигимизга раҳнамо экан, элим деб, юртим деб ёниб яшамоқнинг фурсати келди. Неча асрлар орзу бўлган бугунги Истиқлол шамоллари бизга қанот ва мадад бўлиши шубҳасиздир. Давлатимиз раҳбари ҳақли равишда таъкидлаганидек: **"Конституция — нафақат бугунги куннинг Қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқдир"**.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимиз иқтисодий-сиёсий тузумини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини равнақ топтиради.

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,**
**Тошкент Давлат юридик институтининг катта ўқитувчиси,**
**филология фанлари номзоди**



## ҲУШЁР БОЖХОНАЧИЛАР

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорини била туриб айрим сохта тадбиркорлар айланма йўллар орқали писиб, сифатсиз молларни мамлакатимиз ҳудудига олиб киришга уринишяпти. Аммо уларнинг пайини қирқишда чегарачилар билан бир қаторда божхона ходимлари ҳам



фаоллик кўрсатишяпти. Бунга Тошкент вилояти божхона бошқармасининг Эркин Салимов бошлиқ 5-сонли "Минсув" божхона пости азаматларини мисол қилиб келтириш мумкин. Божхоначилар томонидан пост атрофидаги назоратдан четда бўлган айланма йўлларда доимий назорат ўрнатганлар. Ўтган 9 ой мобайнида уларнинг ҳушёрликлари туфайли 126 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Натижада қонунбузарлардан 634 миллион 599 минг сўмлик жарима ундирилди. Шулардан 4 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган бўлиб, 9 миллион 827 минг 730 сўмлик товар моддий бойликлар давлат ҳисобига мусодара қилинди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фуқаролар томонидан қонун бузилишлари тобора камайиб бормоқда.

**Рихситилла КАРИМОВ.**

*Суратларда: божхона маскани бошлиғи Эркин Салимов катта инспектор Нодир Обидов ва инспектор Мирза Юлдашев билан; маскан инспекторлари Улуғбек Раҳимов ва Тўра Курбонов постда доимо сергак.*

**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.**

● Ислоҳот ва самара

# ЗАРДЎЗЛИК ОНА КАСБИМ

**Ҳақиқий инсон ҳамиша илм ва ҳунар олишга интилади. Донолар айтганидек, агар одам илм ва ҳунар таҳсили билан улуғ кишиларнинг ҳунарини ўрганса вужуд матосининг қадри ҳаёт дўконида аъло даражага етиб, топиб-тутиши ҳам кўпроқ бўлади. Зеро, бугунги кун тадбиркорликни ва ташаббускорликни талаб қилаётган бир пайтда замон талабига ҳамоҳанг — лаббай деб жавоб берувчи тадбиркорларимиз борлигидан қувонамиз. Ана шундай заҳматкаш, ўз ишининг моҳир устаси, чевар тиниб-тинчимас "Маиший хизмат аълочиси", "Мустақилликнинг ўн йиллиги" медали билан тақдирланган аёл Марғуба Нишонова бўлади. У Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Саидисломбек", "Марғуба Н" фирмалари раҳбари, туман "Тадбиркор аёл" уюшмасининг раиси.**



1996 йилда "Бизнес фонд" томонидан кредит олиб, мўъжазгина тикувчилик цехини очдим дейди,— М.Нишонова биз билан суҳбатда. — Тўрт нафар ишчи билан "Саидисломбек" фирмасини ташкил этиб, иш бошладик. Худога шукр, ҳозирга келиб ишчиларимизнинг сони 30 нафардан ошди.

Опа қошига ташриф буюрганимизда унинг чеҳрасидаги ҳорғинликни сезган эдик. Уларга юзланиб:

— Марғуба опа ҳорғин кўринасиз деганимиз ҳамоноқ опа — ҳа, бирозгина тобим йўқроқ эди. Аммо тинчиб уйда ўтиролмадим. Ҳар куни бирон нарса тикмасам, кўнглим тинчимайди. Чеварчилик касбига бўлган меҳр ёшлигимдан қонимга сингган. Чунки тикувчилик менга она касб. Болалигимда онамнинг олдиларидан жилмай, диққат билан уларнинг тикаётган зарларига тикилиб, моҳирона дид билан сайқал берилган безакли зар дўппиларига ҳавасим келарди. Қарангки, астойдил ихлос қўйган эканманми, шу касб эгаси бўлишга муваффақ бўлдим. Аммо бир нарсадан афсус қиламан. Онамлар зар тикаётган вақтларида ўзлари шеър тўқиб қўшиқ айтардилар. Бу ҳам бир истеъдод бўлса керак. Бу истеъдод менда йўқ. Лекин қўшиқ эшитиб зар тикишни яхши кўраман — дедилар.

Опанинг сўзларини тинглар эканмиз, қиз бола, наинки қиз бола балки ўғил боланинг ҳам бирор касбга меҳри тушишида ота-онанинг ўрни беқиёс эканлигига амин бўлдик.

— Марғуба опа, фирманинг қошида яна бир фирма очибсиз, — дея мурожаат қилдик.

— Ҳа, бўлмасам-чи? Фирмамиз "Марғуба Н" деб номланади, — дедилар Марғуба опа қувончини яширолмай. — Унда асосан қизларимиз ҳунармандчилик ва зардўзлик билан шуғулланишади. Иш бошлаганига икки ой бўлган бўлсада ишларимиз яхши юришяпти. Ҳали олдинда кўп режаларимиз бор.

— Икки фирмани бошқариш билан бир қаторда туман "Тадбиркор аёл" уюшмасининг раиси ҳам экансиз. Бу сизнинг фаолиятингизга таъсир қилмайдими?

— Аввало инсон хоҳласа, ҳаракат қилса ҳаммасига имкон топади. Тўғри, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Шу сабабли ҳам инсон ҳамиша интилиб яшаши керак. Сирасини айтганда ҳаётдаги шиорим — олға интилиш. Киши агар шундай қилса, ҳар жабҳада ўз ўрнини топиши шубҳасиз. Энди "Тадбиркор аёл" уюшмаси раислигига келсам, бу уюшмага олти йилдан буён етакчилик қиламан. Бошида тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёлларни бир жойга йиғиб, бошини қовуштириб улар билан ҳамфикр бўлиш учун анча вақт сарфланган. Ҳозирга келиб уларнинг сони ҳам кўпайиб қолди. Шулардан якка тартибдаги аёллар 460 нафар бўлса, юридик мақомга эга аёллар 30 нафарни ташкил қилади. Синглим, сизни яна бир сирдан воқиф қилмоқчиман, — дейди опа севиниб.

— Биз яқинда туманимизда "Соғломлаштириш маркази"ни очмоқчимиз. Туманимиз ҳокими Мирзамашраб Куччиев шу таклиф билан чиқиб, менга мурожаат қилдилар. Худо хоҳласа, кўп ўтмай режамиз рўёбга чиқса ,ажаб эмас. Шу таклифга асосан мен лойиҳа ишлаб чиқдим. Агар лойиҳа тасдиқдан ўтса, албатта туманимизда "Соғломлаштириш маркази" ҳам барпо қилинади.

— Одамнинг баракали ва бадавлат бўлиши учун касбу ҳунардан афзалроқ нарса бўлмаса керак, деган фикр хаёлимиздан ўтди. Ва улуғлик ва саодат осмони учун эса қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқ. Ҳунар суви билан шуғулланмаган киши, гўёки мева ва сояси йўқ қуруқ дарахтга ўхшайди. Дарҳақиқат, бу фирдавсмонанд гулшаннинг райҳонлари ҳилидан димоғини муаттар қилган киши хилма-хил камёб лаззатли неъматлардан баҳраманд бўлади. Шу сабабли ҳам М.Нишонованинг туманда тадбиркорлик соҳасида олиб бораётган ибратли ишлари паркентлик аёл-қизларни иш жойи билан таъминлабгина қолмай, сифатли маҳсулотлари билан кўпчиликка манзур бўлмоқда.

**Вилоят ШОДИЕВА,**
**"Адолат" мухбири.**

**СУРАТДА: Марғуба НИШОНОВА.**

**Зиёвуддин ХОЛИҚОВ олган сурат.**

● Банк тизими

# ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАДБИРКОРЛИККА БОҒЛИҚ

**дейди Акциядорлик тижорат «Тадбиркор» банк Чироқчи туман бўлими бошқарувчиси Шавкат ЖАВЛИЕВ**

**Бугунги кунда туманда 600 дан ортиқ фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий корхона иш олиб бормоқда. 200 га яқин киши якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Эътиборли томони шундаки, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳалари деярли бутунлай хусусий тадбиркорлар қўлида. Уларнинг ўзаро рақобати кучайган сайин аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари тобора кенгайиб, иш сифати ҳам яхшиланмоқда. Бу айниқса, хусусий тадбиркорлар фаолиятида яққол кўринаётир.**

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун уларга замон талаблари даражасида банк хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш зарур, — дейди Шавкат Жавлиев.

— Ана шунда кичик ва ўрта корхоналар сафи янада кенгаяди, иқтисодиётнинг ривожланишига қўшаётган ҳиссаси ортади. Бўлимимиз ходимлари буни ҳар қадамда ҳис этишаяпти. Шу мақсадда биргина ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 87 та мижозга 131533.0 минг сўм кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 63 нафар тадбиркорга 133500.0 минг сўм кредит тақсимланди. Бунинг эвазига ишбилармонларимиз қурилиш, ободонлаштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ҳам тобора кенг қамраб олишаяпти. Бундан ташқари, тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганимиз боис туманда ишсизлик муаммоси ҳам борган сари бартараф этиляпти. Ўтган йили ишбилармонларимиз 100 нафардан зиёд ишсиз фуқарони ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишган бўлса, амалдаги йилнинг то ҳозирига қадар 70 нафар киши эркин меҳнат фаолияти билан шуғулланишига имконият яратилди.

Дарҳақиқат, бўлимда тажрибали Шавкат Жавлиев бошқарувчи этиб тайинлангандан сўнг ишлар анча жонланди. Энг аввало, мижозлар ва ходимлар учун қулай шарт-шароит яратилди. "Маънавият ва маърифат" хонаси қайта жиҳозланиб, тадбиркорларнинг иқтисодий, ҳуқуқий мавзулардаги ўқуви ташкил қилинди. Бўлимга турли масалалар билан мурожаат қилаётган фуқаролар аризалари имкони борича ижобий ҳал этилди. Натижа эса чакки эмас. Намунали хизмат эвазига йил сайин мижозлар сони кўпайиб, фойда олиш даражаси ҳам ортиб бормоқда.

Дарвоқе, Қашқадарё вилоятидаги кўпгина банклар худди юқоридаги бўлим каби ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, акциядорлик тижорат "Пахта банк" вилоят бошқармасида мижозларнинг дебитор, кредиторлик қарзларини камайтириш борасида катта ишлар амалга оширияпти. Масалан, бошқарма ходимларининг саъй-ҳаракати билан 2003 йил 1 январдан ҳозиргача корхона ва ташкилот ҳамда хўжаликларнинг дебиторлик қарзи 263,3 миллион, кредиторлик қарзини эса 357,4 миллион сўмга камайтиришга эришилди.

Ҳозирги замон тадбиркори, энг аввало харидорбоп маҳсулот ишлаб чиқариб, бозорни таъминлаши даркор. Буни банк ходимлари яхши тушунишади. Шу сабабли ҳам тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар аниқ мақсадга йўналтирилиши учун қаттиқ назорат олиб боришаяпти. Фикримизни исботлаш учун қилинган ишларга мурожаат этайлик: "Делфин" савдо корхонаси "Пахта банк"нинг Косон бўлимидан ускуна сотиб олиш учун кредит олиб, қисқа вақтда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди ва 18 нафар кишини иш билан таъминлади. Шунингдек, "Пўлати" фермер хўжалиги ҳам бошқарма бўлимидан шу йил 3000 минг сўм кредит олиб нон цехи ва тегирмон ускунаси ўрнатиб, 2800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва 3 та янги ишчи ўрни яратди.

Албатта яна бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шуниси эътиборлики, бошқарма ўз мижозлари бўлган тадбиркорларга биргина жорий йилнинг ўзида 516,9 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди.

Ҳа, тадбиркорлик замон талаби. Уларни ҳар томонлама молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эса эртанги фаровон ҳаётимиз калити. Буни юқоридаги иккала банк ходимлари ҳам дилдан ҳис этиб иш юритишаяпти. Тадбиркорларга пласт карточкалар орқали хизмат қилиш, электрон тўловларини ўз вақтида ўтказиб берилишини таъминлаш учун замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланмоқдалар.

**Комил САХАТОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

● Мунозара, мулоҳаза, таклиф

# МАКТАБДАГИ МУАММО НИМА?

## ЖИНСИ ЎҚУВЧИНИНГ КИЙИМИМИ?

**Фотимахоннинг бешинчи синфда ўқийдиган Гулсанам исмли қизи мактабдан йиғлаб келди.**

**— Ҳа, қизим, нима бўлди, тинчликми? — ҳовлиқиб сўради онаси.**

**— Директоримиз мактабга киритмади. Жинси шим ва курткасиз ўқишга келмагин деб, қайтариб юбордилар, — деди йиғлайвериб кўзлари қизариб кетган қизи.**

Эндигина ишга кетаётган Равшанбек қизининг бу аҳволини кўриб, тутоқиб кетди. Жаҳл устида тўғри мактабга борди. Жинси кийимда келмаган ўқувчиларни мактабга киритмаётган директорга рўбарў бўлди.

— Қачондан буён ўқувчининг мактабга жинси кийимда келиши шарт бўлиб қолди? — сўради у салом-аликдан сўнг, ўзини таништириб.

— Бизда қоида шундай, — жавоб берди директор қошқовоғи уюлиб. — Хоҳласангиз шу. Хоҳламасангиз болангизни бошқа мактабда ўқитинг!

— Кечирасиз, опажон, ўқувчиларнинг жинси кийимда келиши ким томонидан буюрилган, билсам бўладими? — сўради Равшанбек.

— Мен томонимдан буюрилган, — овозини баралла қўйди директор. — Нима, сиз энди эшитаяпсизми?

— Эшитавериб жонимга тегди, — қизишди Равшанбек ҳам, — бугун бу дейсиз, эртага у дейсиз. Мактабми бу ёки театр?!

— Қандай тушунсангиз, шундай, — деди директор Равшанбекни менсимай. — Агар менинг қонун-қоидам ёқмаётган бўлса, йўлингиз очиқ. Нима кўп, мактаб кўп...

— Бундай бемаъни қонун-қоидангизни уйингизда қиласиз, тушундингизми? — деди Равшанбек ҳам бўш келмай. — Бу ерда эса давлатнинг қонун-қоидасини бажарасиз. Чунки мактаб давлатники. Сизники эмас!

Ана шундан сўнг, мактаб директори билан ўқувчи отаси ўртасида "Сен кимсан-у, мен кимман" бошланди. Равшанбекнинг ёнига қўшилган ота-оналар директорнинг оғзини очтирмадилар. Биров, юринглар, яхшиси ҳокимиятга борайлик деса, бошқа бирови тўғри халқ таълими вазирлигига борганимиз маъқул, дейди. Яна кимдир "ҳокимиятдан ҳам, вазирликдан ҳам фойда йўқ, ўзимиз ҳал қилишимиз керак", дейди куйиниб. Шундай бўлса-да, узоқ давом этган баҳс-мунозарадан кейин, қулоч-қулоч шикоят хатлари ёзилиб, қатор-қатор имзолар қўйилди. Йиғилганлар директорни қарғай-қарғай тегишли идоралар томон йўл олдилар.

Халқимизда "касални яширсанг, иситмаси ошкор қилар" деган, яхши бир гап бор. Агар, "директор жинси кийим кийиб келинглар, деган бўлса, албатта кийиш керак-да" дейдиган бўлсак, унда ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолар эди. Шу боис масалани холисона таҳлил қилиб, унга ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Эътибор берган бўлсангиз, мактаб директори ўқувчининг отасига "жинси кийимда келишни мен буюрганман" деяпти. Хўш, директор бу жавобни нимага асосланиб айтди? Агар ўқувчиларнинг "жинси" кийимда мактабга бориши Республика халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлса, нега бундай кийимлар ўзимизда тикилмайди? Нега ота-она мактаб директорининг дағдағасидан чўчиб, ўғли ёки қизига четдан олиб келинган жинси кийимни "чайқов"дан фалон минг сўмга олиб бериши керак? Иккинчидан, ўша жинси шим билан нимчага кўпчиликнинг қурби етмаслигини директор опамиз билармиканлар? Чунки, фарзандига "жинси" олиб беришга кучи етадиганлар билан бир қаторда унга яқинлаша олмайдиганлар ҳам қанчадан-қанча. Бу масаланинг моддий томони. Маънавий томони-чи? Жинсига етолмаган ўқувчиларнинг мактабда ўқитувчию директордан, уйда ота-оналаридан "қоп-қоп" гап эшитишлари уларни маънавий мажруҳ қилиб қўймайдими? Ёки "жинси" ўқувчиларимиз ҳавас қиладиган, кийганда ғурурланадиган миллий либосми? Ўқитувчи билан директорнинг хаёлига келмаган бундай саволлар улардан юқорироқда ўтирганларни ташвишга солмаётганлигига ҳайронмиз. Равшанбек билан унга ўхшаган ота-оналарнинг мактабга норози бўлиб борганликларининг сабабини сиз ҳам тушунгандирсиз, энди.

## ЎҚИТИШНИНГ ЯНГИ "УСУЛИ"

**Маҳмуда Раҳматова адабиёт ўқитувчиси. Салкам ўттиз йиллик тажрибага эга бўлган муаллима. Ўқувчиларга адабиётдан сабоқ беришда талайгина "усуллар"ни моҳирона синовдан ўтказган педагог. Директорнинг таъбири билан айтганда, Маҳмуда опа "изланувчан", "топқир", айни пайтда қаттиққўл ва талабчан ўқитувчилардан ҳисобланади. Ишлари билан танишганимиздан сўнг, ўзимиз ҳам тан бердик. Айниқса, Маҳмуда опанинг кейинги уч йилда қўллаётган «усул»ларига қойил қолдик.**

Маълум бўлишича, Маҳмуда опа дарс жараёнида бирон бир ўқувчининг саволига жавоб бермас экан. Ўзи ҳам дарс якунида савол-жавоб ўтказмас, мавзу бўйича саволи бор ўқувчиларни қўшимча дарсга қолишга даъват этар экан. Қўшимча дарсга кириб, бир оғиз саволга бир оғиз жавоб олишнинг нархи олти юз сўм тураркан. Қўшимча дарс эса ҳар куни бўларкан. Маҳмуда опа асосий дарсни ҳам, қўшимчасини ҳам қолдирмас, қолдирганларга эса э йўқ, бе йўқ "икки"войни қўявераркан. Маҳмуда опанинг "ноёб усул"ларидан таълим ташкилотларию жамоатчилик хабардормикан деб сўрасам, суҳбатдошларим: оммавий ахборот воситаларидан бошқа ҳаммага маълум. Фақат "тарғибот" ўрнида эмас, дейишди. Буни қаранг-а, пойтахтимизда шундай "жонкуяр", "филойи" ўқитувчилар борлигидан бехабар эканмиз-да. Аттанг!

## МЕҲНАТ ДАРСИ КЕРАКМИ?

**Фаридахон билан Зарифахон шаҳар четидаги катта бозорда учрашиб қолдилар.**

**— Қизингизнинг ўқишлари яхшими, дугонажон? — сўради Фаридахон.**

— Э сиз сўраманг, мен айтмай, — деди Зарифахон оғриниб. — Ҳаммаси бир ёқда-ю, меҳнат дарсининг ўзи бир ёқда бўлаяпти-да. Олтинчи синф учун меҳнат дарслигининг ўзи йўқ. Шунинг учун "ҳар мақомга йўрғалар" бўлаяпти. Шу сабабли ҳали уни олиб келинглар, ҳали буни тикиб келинглардан бошимиз чиқмай қолди, дугонажон. Ўргатиш йўқ. Фақат тайёрини сўрашгани сўрашган. Икки ҳафта бурун янги, чиройли материалдан катталар учун ошхона фартуги тикиб келинглар, деган эди ўқитувчиси. Тикув машинам бузилиб қолганлиги сабабли пулини бериб, фартук курғурни бошқа бировга тиктириб олдим. Муаллима опа бўлсалар, қизимни мақтаб-мақтаб "5" қўйиблилар-да, фартукни олиб қолибдилар. Энди оқ сурпга ўнта янги тугма қадаб келинглар дебди. Шуни излаб юрибман, айланай. Ўзингиз-чи, ўзингиз нима қилиб юрибсиз?

— Мен ҳам худди шундай ташвиш билан келган эдим, — деди Зарифахон ҳам. Ўзи рўзғорни бир амаллаб турган бўлсак. Мактабдаги «бер-бер» ўлганнинг устига тепган бўлаяпти-да, дугонажон. «Фалон-фалон масаллиғлардан уни пишириб келинглар, буни тайёрлаб келинглар»ни айтмайсизми?

— Гапираман десангиз гап кўп, дугонажон, — деди Фаридахон. — Боламиз ўқитувчидан гап эшитмасин, икки олмасин, бошқалар олдида қизариб ўтирмасин деб қилаяпмиз-да. Қилмасак бўлмаса...

— Ўзи бирон-бир ота-она фарзанд хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, бекор қўймайди. Она қизини болалигидан ёнида олиб, саранжом-саришталикни, бичиш-тикишни, хамир қоришдан овқат пиширишгача бўлган уй-рўзғор юмушларини ўргатса, ота ҳам ўзининг оиладаги бурчини, ҳаёт ва турмушдаги вазифасини ўғлида кўришни истаб, қўлидан келганча ўргатади. Ота ҳам, она ҳам ўз ўғил-қизларини меҳнатсевар, ҳунарли, топқир ва чаққон бўлишларини хоҳлайдилар. Мана шу хоҳишларининг амалга ошиши учун ҳаракат қиладилар. Шундай эмасми? — деди Зарифахон куйиниб. — Қани, энди мактабдаги меҳнат дарси ҳам шунга мос бўлса?!

— Қанийди, — дугонасининг фикрини маъқуллади Фаридахон. — Афсуски, бундай эмас-да. Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, ахир.

— Ростини айтсам, баъзан хунобим ошиб, меҳнат дарси керакмикан, деб юбораман, — қизишди Зарифахон.

— Ўқувчига қўйиладиган баҳони айтмайсиз, баҳсни, — давом этди Фаридахон. — Фалончиларнинг "меҳнат"дан чорак баҳолари "уч" қўйилди, деган гапни эшитсам кулгим келади. Ўша уч олган ўқувчиларни уйида кўринг, тиним билишмайди. Лекин ўқитувчи буюрган нарсани олиб боришга қурби етмаганлиги учун уч олишга мажбур. Ишончнинг йўқолиши, адолатнинг бузилиши ана шундан бошланади-да.

— Менимча, бола учун бундан ортиқ маънавий азоб бўлмаса керак, — қўшилди Зарифахон. — Бу жуда жиддий масала. Мактабдаги меҳнат дарси ўқувчи учун маънавий азоблигини-ю, оила учун моддий зарар эканлиги ҳақида мутасадди ташкилотлар раҳбарлари дўппини олиб қўйиб, бош қотирсалар ёмон бўлмас эди.

— Асти айтасизми, дугонажон, — деди Фаридахон мамнун бўлиб. — Ўқитувчининг қўлида ҳаётга мос қўлланма бўлмаса, ўзи билганича "ундай қилиб келинглар, бундай қилиб келинглар" билан дарс ўтаверса. Ундан кўра, бу дарснинг бўлганидан бўлмагани яхши эмасми?!

— Ҳақ гапни айтдингиз, — деди Зарифахон дугонасининг елкасига қоқиб, — меҳнат дарси ўқувчининг ўз уйида ота-онаси томонидан айтилган ишларни бажариши билан чегаралангани маъқул деб ҳисоблайман. Баҳони ҳам ота-она қўйиб берсин. Ахир, ота-онага дангаса, ишёқмас бола керак эмас-ку!

**Яхши гап. Ота-онага меҳнатдан қочадиган, ҳунарга меҳри бўлмаган бола кўп муаммолар туғдириши аниқ. Ўқувчининг оила ишини, у билан боғлиқ бўлган кўплаб ҳунарларни ота-онасидан меҳнат туфайли ўрганиши ҳам сир эмас. Оилада ота-онанинг энг яқин кўмакчиси бўлган фарзанд моддий масала билан боғлиқ топшириқни бажара олмагани учун паст баҳога муносиб кўрилишини ҳам инсофдан деб бўлмайди. Албатта, кетма-кет икки соат кўча супуриш билан ўтадиган меҳнат дарсининг ҳам боридан йўғи яхши. Хуллас, масалага нуқта қўйиш учун кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиб, илмий асосланган бир қарорга келингани маъқул.**

**Нуриддин ОЧИЛОВ.**

Қарор ва ижро

# ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

**ва ютуқларга йўл очмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши иқтисодиёт мажмуаси бўлим бошлиғи Махсет ИЗМУРАТОВ**



— Халқимиз топиб айтганидек: "якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас". Бу ҳикмат соҳамиз мутахассислари, солиқ хизмати ходимлари ва яна бир қатор тегишли идора вакилларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларида ўз инъикосини топди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 августдаги 330-сонли қарорини ҳаётга тадбиқ этиш учун айни ҳамкорлик йўлини танладик. Мазкур қарорга асосан белгилаган тадбирларимизда қатор соҳа вакиллари якдиллик билан жонбозлик кўрсатишди. Натижада Республикамиз ҳудудидаги мавжуд бозорларни қарор талаблари бўйича тўлиқ ихтисослаштиришга эришилди. Хусусан, Нукус шаҳридаги марказий деҳқон бозорида қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, унинг ҳудудидаги саноат моллари билан савдо қилаётган тадбиркорлар янги ташкил этилган, замонавий шарт-шароитларга эга бўлган "Ойдин жўл" буюм бозорига кўчирилди. Худди шунга ўхшаш ишлар Беруний, Амударё, Элликқалъа туманларида ҳам олиб борилди ва қарор ижроси таъминланди.

Дарҳақиқат, Қорақалпоғистонда қарор ижроси пухта таъминланмоқда. Бу масалада наинки Бозорлар уюшмаси ёхуд бозорлар маъмуриятлари, балки солиқ хизмати ходимлари ва ҳокимликлар қошида тузилган савдо департаменти вакилларининг жонбозлиги эътиборга молик.

**Суратда: Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши иқтисодиёт мажмуаси бўлим бошлиғи Махсет Измуратов, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Пўлат Асанов, Бозорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Бахтиёр Жуманазаров галдаги вазифаларни белгилаб олишмоқда.**

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ олган сурат.**

